**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**"Навоий нефт базаси" МЧЖ директори**
**____________О.Р Хасанов**
**«____»____________ 2022й**

# ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРИ

**<u>Танлов ҳужжатининг мазмуни:</u> "Навоий нефт базаси" МЧЖ ва унинг филиаллари ҳамда 2-сонли нефт маҳсулотларини қабул қилиш ва тарқатиш цехида мавжуд нефт маҳсулотларини ўлчашда ишлатиладиган электрон автотарозиларга 2022 йил техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш бўйича.**

**Навоий -2022**

## 1. Танлов предмети ва умумий маълумотлар

1. **Танлов предмети** "Навоий нефт базаси" МЧЖ ва унинг филиаллари ҳамда 2-сонли нефт маҳсулотларини қабул қилиш ва тарқатиш цехида мавжуд нефт маҳсулотларини ўлчашда ишлатиладиган электрон автотарозиларга 2022 йил техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш ишлари.

2. Хизмат кўрсатувчилар (кейинги ўринларда "Хизмат кўрсатувчи" деб юритилади) буюртмачи томонидан "**E-tender.uzex.uz**" электрон порталига жойлаштирилган эълонга мувофиқ танлов "Навоий нефт базаси" МЧЖнинг давлат харидлари бўйича ишчи гуруҳи томонидан ўтказилади.

3. Танлов таклифлари "**E-tender.uzex.uz**" орқали чиқарилган лот рақами билан белгиланган эълонга мувофиқ қабул қилинади.

4. Танловнинг бошланғич қиймати смета лойиҳа ҳужжатлари ва капитал қурилиш ва таъмирлаш бўйича етакчи мутахассиси томонидан ишлаб чиқилган “10”02.2022 йилдаги 01-09/108-сонли хизмат кўрсатиш аризасига мувофиқ Навоий нефт базаси" МЧЖ ва унинг филиаллари ҳамда 2-сонли нефт маҳсулотларини қабул қилиш ва тарқатиш цехида мавжуд нефт маҳсулотларини ўлчашда ишлатиладиган электрон автотарозиларга 2022 йил техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини бажариш ишлари. бошланғич баҳоси (ҚҚС билан) 14 200 000 (ўн тўрт миллион икки юз минг) сўм этиб белгиланиб. Хизмат кўрсатувчи ва буюртмачи ўртасида ўзаро тузилган шартнома шартларига асосан хисоб китоблар пул кўчириш йўли билан бошланғич 15 % тулов, қолган 85 % тулов бажарилган иш бўйича далолатнома ва счёт фактурада кўрсатиб ўтилган суммага мувофиқ амалга оширилади. Иш ҳажмини бажариш муддати бошланғич аванс тулов кунидан бошлаб ҳар чорак давомида бажарилиши лозим.

5. Хизмат кўрсатувчилар томонидан электрон танловда иштирок этиш учун тижорат таклифлари (таклиф хатлар) давлат тилида киритилсин.

6. Танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтириш ишлари эълон матни жойлаштирилган кундан эътиборан "**E-tender.uzex.uz**" электрон портали томонидан автоматик тарзда белгиланган кунгача тушунтириш ишлари амалга оширилади.

7. Танлов хизмат кўрсатувчилари битта лотга фақат битта таклиф беришга ҳақли.

8. Танлов хизмат кўрсатувчилари тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

9. Танлов хизмат кўрсатувчилари тақдим этилган таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни чақириб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

10. Танловга таклифларни қабул қилиш "**E-tender.uzex.uz**" порталда чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

11. Танлов бўйича тақдим этилган таклиф хатларини "Навоий нефт базаси" МЧЖ танлов ва харидлар бўйича ишчи гуруҳи ҳамда фаолият йўналиши бўйича таклиф тегишли мутахассислар томонидан танлов ўтказилади ва ишчи гуруҳ қарорига асосан ғолиб ташкилот аниқланиб, танлов баённомасида (ғолиб чиққан ташкилот номи ва таклиф хати бўйича берилган хизмат кўрсатиш маблағ миқдори) қарор қисмида кўрсатиб ўтилади.

12. Танловга ғолиб чиққан хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро томонлар келишувига кўра шартнома порталга бириктирилган шартнома лойихасига асосан ва икки томонлама (ташкилот раҳбари имзоси ва мухри орқали) тасдиқланади.

13. Танловда иштирок этадиган ташкилотлари томонидан қўйидаги тегишли ҳужжатлари талаб этилади.

**- Давлат руйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохнома нусхаси.**

**- Электрон автотарозиларни техник кўрикдан ўтказиш ва таъмирлаш бўйича аккредитация гувохномасининг нусхаси.**

**- Мазкур соҳада ҳамкорликда сўнги бир йил давомида бажарган ишлар тўғрисида маълумот.**

**- Мазкур соҳада мутахасис ходимлар тўғрисида маълумотнома. (паспорт нусхаси билан)**

14. Танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиб. Бунда танлов таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон танловнинг ҳар қандай босқичида четлатилиши мумкин.

Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

1. Ишчи гуруҳ раиси:
Директорнинг биринчи ўринбосари - Бош муҳандис З.Амонов

2. Ишчи гуруҳ раиси ўринбосари:
Иқтисодиёт ва маркетинг бўйича директор ўринбосари Л.Саломов

3. Аъзолари:
Бош бухгалтер М.Тўраев

Нефтбаза, филиаллар, АЁҚШ ва ФЁТШлардан фойдаланиш, қурилиш ва моддий-техник таъминот бўлими бошлиғи И.Бўронов

ММ ва ХТ бўйича етакчи мутахассис Ғ.Тошов

4.Ишлаб чиқди:
Нефт маҳсулотлари сифатини назорат қилиш ва метрология бўйича етакчи мутахасиси Ў.Жабборов